

Ошуро кунининг бидъатлари

[ўзбекча]

بدع يوم عاشوراء

[اللغة الأوزبكية]

Муаллиф: Абу Тоййиб

مؤلف: عبد الله أبو طيب

Мухаррир: Шамсиддин Дарғомий

مراجع: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот бўлими

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

۱۴۲۹ – ۲۰۰۸

islamhouse.com

Ошуро кунининг бидъатлари

Ушбу мўъжаз мақола "Муҳаррам ойи ва Ошуро куни" номли аввалги рисоламизнинг узвий давоми бўлиб, унда Ошуро кунда баъзи одамлар томонидан амалга ошириладиган хато ва бидъат амаллар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Шариати Исломияда қарор топган ўзгармас қоидалардан бири динда янги пайдо қилинган ишлар - бидъатларни рад этмоқдир. Зеро, Соҳибрисолат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки: **"Кимки, бизнинг бу ишимизда (динимизда) ундан бўлмаган бирон нарсани пайдо қилса, бас, у мардуддир!"** Бошқа бир ҳадисда эса: **"Кимки, бизнинг бу ишимизга (динимизга) т ўғри келмайдиган биронт а амални қилса, бас, у мардуддир!"** - дейдилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Динда янги пайдо қилинган ишлар - бидъатларнинг нечоғли ёмонлиги ва зарарлилиги ушбу мисол тариқасида келтирилган икки муборак ҳадисдан ҳам яққол намоён бўлади. Бинобарин, бидъатлар қандай ниятлар билан йўлга қўйилишидан, қандай олийжаноб мақсадларда пайдо қилинишидан қатъий назар, рад қилинур. Негаки, улар бориб-бориб шариатга айланади. Шариат қонун-қоидалари, йўл-йўриқлари ва маросимлари эса фақат ва фақат Шореъ, яъни қонун чиқарувчи бўлмиш Аллоҳ ёхуд Унинг Расули томонидангина жорий қилиниб, У рухсат берган манбалардангина олинади. Шариат учун тўрт нарса манбадир: Китоб, Суннат, уламолар ижмоъси ва қиёс. Мазкур тўрт нарса мусулмонлар учун ҳужжат ҳисобланиб, буларга хилоф равишда чиқарилган ҳар қандай амал шак-шубҳасиз эгасига қайтарилур.

Бу сўзларни бу ерда айтишимиздан мақсад, йиллар оқими давомида одамлар томонидан пайдо қилиниб, одат тусига киришга улгурган Ошуро кундаги айрим бидъат ва хато амалларга диққат-эътиборингизни қаратишдир. Шоядки, шундай қилсак, бир-бирларимизнинг устларимиздаги насиҳат ҳаққини озми-кўпми адо қилган бўлармиз.

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли набиралари Ҳусайн ибн Али разияллоҳу анҳунинг ўлдирилишлари, муаррихлар айтган сўзларнинг машҳурига кўра, Ошуро кунига тўғри келган эди. ("Ал-Бидоя ван-Ниҳоя", 1-жилд, 137-саҳифа) Бу воқеа сабаб бўлиб, одамлар икки тоифага бўлиниб кетишди. Бир тоифа, яъни шиалар, рофизийлар бу кунни ўзларига мотам ва йиғи-сиғи куни қилиб олишди. Улар бу кунда рўза тутиб, суннатда келган амалларни қилиш ўрнига, мисли кўрилмаган даражадаги жоҳилий мотам намунасини кўрсатадилар. Қора либосга бурканган бу кишилар Ошуро кунда баданларини тимдалаб, юзларини қонатиб, телбаларча уввос солиб, тўс-тўполон кўтарадилар. Асли йўқ ҳадисларни тўқиб чиқариб, бидъатларини ривожлантиришга уринадилар. Бундай ғайриисломий хатти-ҳаракатлар ҳар хил тоифа ва мазҳабларга мансуб бўлган мусулмонлар ўртасида фитначилар, мунофиқлар ва ғайридинлар томонидан пайдо қилинган гина-кудурат ва адоват жарини тобора чуқурлаштириш билан бир қаторда тарих қатларида қолиб, кўмилиб кетган воқеаларни қабрдан қазиб чиқариб, шу орқали мусулмонлар орасида таассуб, ғазаб ва нафрат оловини алангалантиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида ўзини аҳли суннаданман деб даъво қиладиган баъзи бир тоифадаги одамлар ҳам биринчи тоифанинг аччиғини келтириш учун бу кунда хурсандчилик ва шодиёналар қилиш ҳақида тўқима ривоятлар ўйлаб топишди. Ҳолбуки, ҳар иккала тоифа ҳам аҳли сунна вал-жамоанинг йўлидан тойиб кетганлар.

Келинг, бу ҳолатлар ҳақида Ислом уламолари томонидан айтилган сўзларга қулоқ тутайлик:

۱. Шайхул-Ислом Ибн Таймия айтадилар: *"Бир т оифа одамлар (шиа ва рофизийлар) Ошуро кунини мот ам, қайғу ва дод-вой куни қилиб олган бўлиб, у кунда юзга уриб, кийимни йирт иб, жоҳилият давридаги каби аза т ут адилар. Ғам-ғуссали қасидаларни куйлайдилар, рост идан кўра ёлғони кўп бўлган т урли фасод хабарларни ривоят қиладилар. Бу хабарларнинг ичида рост и бўлса, у ҳам фақат қайғу ва мут аассибликни янгилаш учун, адоват ва низони пайдо қилиш учун ва Ислом аҳли ўрт асига фит на уруғларни сочиш учунгина хизмат қилади. Ва улар бундай хабарларни ўт мишда ўт иб кет ган одамларни сўкиш ва ҳақорат лаш учун восит а қиладилар. Бу т оифанинг Ислом аҳлига келт ирадиган зарари ва ёмонлигининг кўламини энг нот иқ, сўзамол одам ҳам бир гапиришда санаб бериши амри маҳолдир".* ("Фатволар тўплами", ۲۰-жилд, ۱۶۰-۱۶۶-саҳифалар)

۲. Шайхул-Ислом давом этадилар: *"Аҳли сунна мазҳабини ниқоб қилган бир т оифа жоҳил кимсалар эса биринчи т оифага қасдма-қасдига Ошуро кунининг фазилат лари ва у кунда қувонч изҳор қилиш ва шодиёнали маросимларни ўт казиш ҳақида асли-т аги йўқ ҳадисларни т ўқиб чиқаришди. Улар бу билан биринчи т оифанинг аламини келт иришни қасд қилдилар ва фасодни фасод билан, ёлғонни ёлғон билан, бидъат ни бидъат билан қарши олдилар".* ("Фатволар тўплами", ۲۰-жилд, ۱۶۶-саҳифа)

"Ҳар иккала т оифа ҳам аҳли сунна йўлидан чет га чиққан бидъат чилардир. Биз ҳар иккала гуруҳдан ҳам бегонамиз. Ҳақиқий аҳли сунна эса бу кунда рўза т ут иш каби Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган ишларнигина қиладилар, шайт он буюрган бидъат ишлардан узоқ бўладилар". ("Ал-Мавзуъот", ۲-жилд, ۵۶۷-саҳифа; "Ал-Манорул-муниф фис-саҳиҳи ваз-заиф", ۸۹-саҳифа)

۳. *"Ошуро кунда баъзи одамлар одат қилганлари кўзга сурма суриш, чўмилиш, хина суриш, (бу кун билан т абриклаш мақсадида) қўл бериб кўришиш, дон-дунларни пишириш, хурсандчиликни кўз-кўз қилиш ва ҳоказолар каби ишлар борасида на Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирон-бир саҳиҳ ҳадис ворид бўлган, на Ул зот нинг асҳобларидан бирон-бир хабар келган. Бу нарсаларни муслмонларнинг имомларидан на т ўрт имом ва на бошқаларидан биронт алари ҳам хуш кўрмаган. Шунингдек, муът амад (ишончли) кит облар соҳибларидан биронт алари ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, У кишининг асҳоблари ва т обеинлардан бу ҳақда ҳеч нарса ривоят қилишмаган. На саҳиҳларда, на сунанларда ва на муснадларда бу ҳақда на саҳиҳ ва на заиф бир хабар келган. Бундай ривоят ларнинг биронт аси муфаззал қилинган асрларда ҳам билинган эмас..."* ("Фатволар тўплами", ۲۰-жилд, ۱۶۰-۱۶۱-саҳифалар)

۴. Ошуро кунда оила аъзоларига кенгчилик яратишга ундовчи ушбу ҳадисга келсак: **"Кимки Ошуро кунда аҳли оиласига кенгчилик т уғдирса, Аллоҳ у кишига йил бўйи кенгчилик қилади"**, Албоний бу ҳадис ҳақида шундай дейдилар: *"Бу ҳадиснинг барча ривоят йўллари заиф бўлиб, баъзиларининг заифлиги баъзиларидан бат т арроқдир".* ("Заифут-тарғиб ват-тарҳиб", ۱-жилд, ۲۱۳-саҳифа)